КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МОСЛАМАЛАРНИНГ РОЛИ

О.З.НУРУЛЛАЕВ

В данной статье освещена роль технических приспособлений в формировании технологических знаний и навыков у учащихся профессиональных колледжей.

In this article was discussed the role of technical accessories on forming technological knowledge and skills of students of professional colleges.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Энг аввало, бизнинг таълим тизимига бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга аён бўлсинки, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш мумкин эмас».

Ёш авлодга таълим бериш жараёнини самарали ташкил этиш, уни илмий билимлар ҳамда маъ-

лум касб-ҳунар малакасини ўзлаштириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган таълим соҳасининг юксак даражада ривожланишини кафолатлабгина қолмай, балки халқ хўжалигини малакали, етук кадрлар билан таъминлаш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ғояларига мувофиқ жамиятда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модель яратилди. Миллий модель бутун моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қилади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда, улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак.

Бизга яхши маълумки, ўсиб келаётган авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топа олишини таъминлаш учун муҳим педагогик имкониятлар мавжуд бўлиши лозим. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари каби ўқув муассасаларининг ташкил этилиши ана шундай педагогик имкониятлардан бири бўлиб, мазкур муассасаларда ўқувчи ёшлар умумий ўрта маълумот ҳамда муайян касб-ҳунар малакасига эга бўладилар. Бу эса уларнинг келажакда микросоциумда муносиб ўрин топа олишлари учун пойдевор яратади.

Сўнгги йилларда «…таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, янги педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш»га йўналтирилган ижтимоий ҳаракат йўлга қўйилади. Мазкур вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун амалга оширилаётган педагогик тадбирлар доирасида академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқув фаолиятини илмий асосда, таълим жараёнини ижтимоий буюртма доирасида ташкил этиш, унда педагогик технологияларни татбиқ этишга эришиш муҳим аҳамият касбга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб-ҳунар таълимини ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган вазифалар бу соҳани давр талаблари асосида такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ўринда касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар, унинг хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтаётганлиги бутунлай янги вазифаларни қўймоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлатимиз томонидан кейинги вақтларда турли касб соҳаларини ривожлантириш ва уларга қизиқувчи ёшларни касбий йўналтиришга оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг яратилиши, Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган таълимнинг янги тури, яъни уч йиллик ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими жорий этилди.

Ўзбекистондаги таълим ислоҳотлари натижасида ташкил этилган замонавий машинасозлик касб-ҳунар коллежлари давлат таълим стандартлари доирасида кичик мутахассислар тайёрловчи таълим муассаси бўлиб, у ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантиради, ва унга танланган касб-ҳунари бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни беради. Шу боис давлатимизда машинасозлик йўналишидаги касб-ҳунар коллежларини ривожлантириш ва шу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва донорлар жалб этилмоқда. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: “Бугунги кунда олдимизга қуйилган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизни янгиланиши, ҳаётимизни тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётгани ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”, – деб таъкидлайди.

Саноатнинг муҳим соҳаси бўлмиш, машинасозликнинг жадал ўсиши ишлаб чиқаришнинг техника билан қайта таъминлаш суратини белгилайди ва машинасозлик технологиясини янада такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди.

Машинасозликни ривожлантиришда, илмий техник тараққиёт энг муҳим ўрин тутади. Техник тараққиёт эса, ўз навбатида, янги турдаги машина-

ларни яратиш ва узлуксиз ривожлантиришни талаб қилади. Корхонани янги турдаги машиналарни ишлаб чиқаришга тайёрлашда тайёрланиш даври ва унга бўлган харажатларни мумкин қадар қисқартириш талаби қўйилади. Эски станокларга нисбатан янги станоклар конструктив жиҳатдан мураккаб ва аниқ бўлгани учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширади.

Янги машиналарни ишлаб чиқаришга корхонани тайёрлашдаги асосий вазифа лойиҳалаш ва технологик жиҳозларни яратишнинг илғор услубларини ишлаб чиқиш ва уни амалда жорий этишдан иборат. Технологик жиҳозларни лойиҳалаш ва яратиш корхонада янги машиналарни ишлаб чиқаришга технологик жиҳатдан тайёрланиш даврининг 90 % ини ва меҳнат ҳажмининг 80 %ни ташкил қилади. Жиҳозларга бўлган ҳаражат машинани тан нархининг 10-15 %ни ташкил қилади. Энг катта маблағ станокларнинг мосламаларига сарфланади. Илғор машинасозлик корхоналарининг тажрибаси шуни кўрсатадики, элементларни стандартлаш ҳамда нормаллаш мосламаларни лойиҳалаш ва яратиш даврини кескин қисқартириш имконини беради.

Машинасозликда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда мосламалар роли жуда аҳамиятлидир. Мосламаларга техникага оид китобларда турли тарифлар берилган.

Мослама иш қуроли бўлиб, ишлов бериладиган ярим тайёр маҳсулотни қотириш учун керак.

Мослама деб механик ишлов бериш, йиғиш, синаш ва текшириш операцияларини бажариш учун қўлланиладиган ёрдамчи ускунага айтилади.

Мослама деб металл қирқувчи дастгоҳларда ишлов берилувчи деталларнинг конструкциясида кўрсатилган шартларни таъминловчи, аниқлигини, формасини ва ишлов берилаётган юзаларининг ўзаро ҳолатини таъминловчи қўшимча қурилмаларга айтилади.

Мослама – технологик (шу жумладан назорат, ростлаш, синаш ва б.) операцияларни бажаришда ишлаб чиқариш воситалари ёки асбобларини ўрнатиш, базалаш, маҳкамлаш, учун машинага (ускунага) бирлаштириладиган ёки алоҳида фойдаланиладиган техник қурилма.

*Мосламалар*нинг машинасозликда қўлланиши ишлаб чиқариш унумдорлигини; ишлов бериш аниқлигини; йиғиш-текшириш ишлари унумдорлигини оширади, заготовкаларнинг ишлов беришдан олдин ишлов берилувчи қисмини белгилашни (разметка) йуқотади, берилган операциянинг меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради, меҳнат шароитини енгиллаштириб, унинг хавфсизлигини таъминлайди, дастгоҳларнинг технологик имкониятларини оширади ва кўпдастгоҳли хизматни таъминлаб, ишчилар сонини камайтиради.

Бу эса, ўз навбатида, машинасозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини мосламалар ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш керак эканлигини кўрсатади.

Мосламалар ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш воситаси сифатида ҳозирги пайтга қадар етарли ўрганилмаган. Мазкур муаммонинг касб-ҳунар таълими доирасида ҳал этилиши ўқувчилар умумкасбий тайёргарлигини янги даражага кўтариш имконини беради.

Бу ўринда таъкидлаш лозим бўлган муҳим ҳолат шундан иборатки, мосламалардан фойдаланиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини доимий равишда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, касб-ҳунар таълимини ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг муҳим воситасига айлантириш, техник-технологик ва психологик тайёргарликни ошириш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Бироқ бизнинг кузатишларимиз кўрсатмоқдаки, касб-ҳунар коллеж ўқитувчиларининг фақатгина 10-15 фоизи ўқувчиларда технологик билим кўникмаларни шакллантиришда мосламалардан етарли даражада фойдаланар экан. Аксарият ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари машғулотларни ташкил қилишда мосламалар имкониятларидан етарли фойдалана билмайдилар. Бунинг асосий омилларидан бири ўқитувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими жараёнида мосламалардан фойдаланишга оид методик тавсияларга эга бўлмаганлигидир. Илғор ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари тажрибаси кўрсатишича, устахоналарида ўқувчиларга таълим беришда мосламалардан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни яратади:

- меҳнатни механизациялаштиришнинг афзалликларини аниқлаш;
- энг кўп меҳнат талаб қилувчи ва мураккаб ишлардан қочиш;
- юқори сифатли деталь ва буюмлар тайёрлаш;
- тайёрланган буюмларнинг ўзаро узлуксизлигига эришиш;
- жиҳозларнинг технологик имкониятларини ошириш;
- ўқувчиларнинг техник-технологик фикрлашини ривожлантириш.

Бундан ташқари, яна таъкидлаш лозимки, мосламалардан фойдаланиш ўқувчиларда касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда биз “мослама” тушунчасининг қўйидаги таърифига амал қилдик: мослама дейилганда материал ёки асбобни

ўрнатиш, уларни йўналтириш ёки ҳаракатини чеклашга мўлжалланган қурилма тушунилади. Ушбу атама технологик мосламаларнинг асосий функциясини ўзида акс эттиради, ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилади ва эслаб қолинади.

Техник адабиётларда мосламаларнинг турли соҳаларга ихтисослашган таснифлари келтирилган. Ушбу таснифларнинг таҳлили методик мақсадларга хизмат қилувчи, ўқувчилар томонидан ўрганиладиган ва ўзлаштириладиган барча технологик операцияларни қамраб олувчи мосламаларнинг таснифини ишлаб чиқиш керак деган хулосани келтириб чиқарди (1-расм).

Ўқув амалиёти жараёнида фойдаланиш учун мосламаларни қўйидаги мезонлар асосида ажратиб олиш мумкин:

- мосламаларнинг техник-технологик жиҳатдан ўқувчилар бажарадиган операцияларда талаб қилинадагн билим ва кўникмаларга мослиги;

- мосламаларнинг ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш воситаси сифатидаги дидактик имкониятлари;

- мосламаларнинг ўқувчилар ўқув устахоналарида тайёрлайдиган буюмлар рўйхатига мос келиши;

- мосламаларни коллеж ёки ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрлашнинг технологик имкониятлари.



Мисол учун, арралашга ўргатишда биз бурчак остида арралашга оид мосламани ўқувчиларга тавсия қиламиз. Биринчидан, ушбу мослама ўқувчилар ўрганадиган техник-технологик маълумотларга мос келади. Иккинчидан, ушбу мосламадан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларда арралаш операцияси бўйича кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Арралаш билан боғлиқ технологик операцияни мазкур мослама ёрдамида ўзлаштириш ўқувчиларда унинг имкониятлари тўғрисида қиёсий тушунчаларни ҳосил қилишга, “меҳнат унумдорлиги” тушунчасини ўзлаштиришга, техника ва технологияларга нисбатан ижодий ёндашувни шакллантиришга ёрдам беради. Учинчидан, мослама дастурда кўзда тутилган типавий мосламалар рўйхатига мос келади. Тўртинчидан, мосламаларни ўқувчилар устахоналарда ўз кучи билан тайёрлашлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежларида таълим самарадорлигини ошириш жамиятда кичик мутахассисларни касбий шакллантириш йўлида ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган шароитда муҳим педагогик аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1998, - 686 б.
2.Омиров А. Мосламаларни лойиҳалаш учун маърузалар матни. – Наманган, 2003
3.Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1992 й.- 207-бет.
4.Ходжабаев А.Р., Қосимов Ш.У. Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси”.- Т., 2007
5.Ходжабаев А.Р., Ҳусанов И. Касбий таълим методологияси. – Т., 2007

ЎМКҲТТКМОУҚТИ,
2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган